



ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Атаханов Рафикжон Сотволдиевич

Тошкент молия институти Андижон факультети
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси доценти

Тел: +998978360217

ataxanov1966@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10352182>

ARTICLE INFO

Received: 05th December 2023

Accepted: 10th December 2023

Online: 11th December 2023

KEY WORDS

Гендер тенглик, хотин-қизлар, ислохотлар, тазйиқ ва камситилишлар, демократик тараққиёт, индикатор, оила, ижтимоий ҳаёт, меҳнат бозори.

ABSTRACT

Мазкур мақола орқали ҳозирги вақтда жаҳонда кенг муҳокама қилинаётган долзарб масалалардан бири бўлган хотин-қизлар гендер тенглиги муаммоси тавсиф ва таҳлил қилинган. Хусусан, бу соҳада Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида сўз юритилиб, унда гендер тенглик масаласини давлат сиёсати миқёсида ҳал этиш вазифалари, жамиятда аёлларнинг ўрни, мавқеи, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, ҳар қандай тазйиқлардан, камситилишлардан муҳофаза қилиш муҳим вазифа сифатида қаралган.

Дунё аҳолисининг ярмини хотин-қизлар ташкил этади, яъни бу мавжуд инсоният салоҳиятининг ярми демакдир. Соддароқ қилиб айтганда, сайёрамызда истиқомат қилувчи муҳтарама аёлларимиз башарият тамаддунига эркалар билан тенгма-тенг ҳисса қўшиши мумкин бўлган катта ижтимоий куч ҳисобланади. Бинобарин, жамиятда аёллар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлик масаласи ўз ўрнида демократик жараёнларни, тараққиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайди ҳамда хотин-қизлар салоҳиятларини амалга оширишнинг муҳим мезонларини белгилаб беради.

Бугунги кунда жамиятимизда энг кўп муҳокама қилинаётган муаммолардан бири бу – гендер тенглик масаласидир. Таъкидлаш керак-ки, жамиятда аёлларнинг ўрни, мавқеи, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, ҳар қандай тазйиқлардан, камситилишлардан муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифага айланди.

Аслини олганда эрка ва аёлларнинг умумий асосларда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши янги таҳрирда қабул қилинган асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйилган (76-80 моддалар). Мазкур ҳуқуқий нормага мувофиқ, жамиятда барча фуқаролар учун ҳуқуқ ва эркинликлар бир хил бўлиб, ҳеч ким ҳуқуқий жиҳатдан камситилмаслиги эътироф этилган.

Гендер тенглик тушунчаси ўз аҳамиятига кўра кишилик жамиятининг барча соҳаларида хусусан, маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия, ҳуқуқ ва сиёсат, илм-фан, иқтисодий ва маданий ҳамда спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркаларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади. Гендер



тушунчаси деганда гап фақат аёллар тўғрисида бориши ва фақатгина хотин-қизларнинг эзгу тилаklarини амалга оширишга қаратилган деган нотўғри тушунча бўлмаслиги лозим. Гендер тенглик бу эркак ва аёлнинг жамиятда бир хил мавқега эгаллиги, имконият ва шароитларнинг ягона умумий тенглик асосида таъминланишидир.

Халқаро ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги ҳужжатларда ҳам гендер тенглик масаласи қайта-қайта кўриб чиқилган. Биргина Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳада кейинги йилларда гендер тенглик масалалари бўйича хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш учун 25 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [1]. Мазкур қонун ва қонун ости ҳужжатларида Республикамизда хотин-қизлар мақоми, ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларга берилган имкониятлар белгилаб берилди [2].

Шунингдек, нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланган БМТнинг 2015 йил сентябрь ойидаги тегишли резолюциясига мувофиқ, Ўзбекистон ҳукумати томонидан махсус қарор қабул қилинди [3]. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчилардан бўлиб БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг ҳамма турларини бекор қилиш тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди ва жаҳон ҳамжамияти олдида ўз зиммасига ушбу Конвенциянинг барча қоидаларига риоя этиш мажбуриятини олди. Бундан ташқари, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига риоя этилишини тартибга солувчи 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилди.

Бироқ, мана шунча юридик ҳужжатларнинг қабул қилинишига қарамасдан, дунё мамлакатлари орасида аёллар гендер масаласи ўз ечимини топиб бўлган, муаммолар ҳал этиб бўлинган – деб ҳисоблаш нотўғри бўлган бўлур эди. Чунки, мазкур масалани ҳар бир давлатда ҳал этиши лозим бўлган ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хуллас, бу муаммоларнинг замирида нималар ётибди, миллий менталитетми ёки анъаналар, урф-одатлар, маросимлар сабабми, ёки оилавий қадриятлар, балки диний тушунчалардир? Афтидан, саволлар кўп, аммо унга жавоб топиш учун қайси йўлни танламоқ лозим, қандай механизмлардан фойдаланиш самарали натижа беради? Гап ана ўша механизмларни топиш ва амалга оширишда.

Гендер тушунчаси аёл ва эркакнинг жамиятдаги ижтимоий ўрни ва ролини аниқлайди. Бу инсоннинг жинси (эркак ва аёлнинг биологик жиҳатдан ўзига хослиги)ни аниқлаш ёки аёлнинг ўзигагина тааллуқли бўлган тушунча эмас, балки жамиятда эркак ва аёлнинг тутган ўрни, жамият томонидан уларга нисбатан белгиланган жамоадаги ва оиладаги вазифалари, роли ва функциялари йиғиндисидир.. Гендер тенглик – бу аёл ва эркакнинг ижтимоий қадрли неъматларга, имконият, захира ва шароитларга бир хилда эга бўлишини англатади. Гендер тенглик эркак ва аёлнинг бир хил бўлиб қолишини эмас, балки уларнинг тенг имконият ва ҳаётий шарт-шароитларга эга бўлишидир.

Жамиятда ана шундай тафовутлар натижасида аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилиши, имкониятлари чегараланиши каби иллатлар мавжуд. Бу эса қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан аёллар жамиятда эркакларга нисбатан ожиза эканлиги сабабли уларнинг айрим ҳуқуқлари ва эркинликлари тан олинмасликда фарқланади. Хусусан, Ўзбекистонда аёл кишини оилавий уй-рўзгор



юмушлари, фарзанд тарбияси каби вазифалар билан банд бўлиши кераклиги устувор тушунчага айланиб бўлган. Масалага бу тартибда ёндошиш амалда хотин-қизларни жинсий жиҳатдан камситилишига олиб келади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, оилавий мажбуриятлар кўп жиҳатдан мухтарама аёлларимизнинг зиммасида бўлиши бизнинг менталитетимизга ҳамда исломий қадриятларимиздан келиб чиқади. Бироқ, шу билан бирга аёлларни меҳнат қилиш, таълим олиш, малакаларини ошириш, муайян кўникмаларига эга бўлишлари учун амалдаги қонунларга оғишмай амал қилмоқ лозим. Қолаверса аёлларимизнинг интеллектуал қобилиятлари, ноёб истеъдодлари, фан ва таълим соҳасидаги интилишлари, юксак ҳаётий тажриба, ҳамда ақлий заковатларидан ватанимиз тараққиёти учун унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, давлатимиз томонидан аёллар гендер тенглик масаласини давлат сиёсати даражасида кўтарилиши реал ҳаётда аёлларга нисбатан зўравонлик, турли шаклдаги камситишларни олдини олишга қаратилган. Чунки, гендер тенгсизлик оқибатлари ва асоратлари ўз ортидан жиноятчиликнинг турли кўринишларида намоён бўлиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлардан олинган маълумотларга кўра: Ривожланган Европа давлатларида ўртача ҳар бешта аёлнинг биттаси, жаҳонда эса ҳар учинчи аёл оиладаги зўравонлик қурбонига айланиб бормоқда. Жумладан, Норвегияда 6%, Янги Зеландияда 20%, Нидерландия ва Швейцарияда 21%, Америка Қўшма Штатларида 22%, Канадада 29%, Англияда 30%, Миср Ислом Республикасида 34%, Покистонда – 42%, Бангладешда 47%, Гонконг ва Эквадорда 50%, Туркияда эса 58% аёл зўравонлик қурбони бўлганлар [4].

Келинг энди биз ўз юртимиздаги гендер тенглик муаммоларини таҳлил қилиб кўрайлик. Маълумотларга кўра гендер тенглик муаммолари ижтимоий ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларида учраб туради. Жумладан, ишчилар бозорида ҳозирга қадар аёллар озчиликни ташкил этиб, иш ҳақлари ҳам шунга нисбатан кам миқдорда эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири бизнинг менталитетимизга бориб тақалади. Чунки, кўплаб оилаларда хотин-қизларимизнинг билим олишларидан кўра кўпроқ рўзғор юмушларига тайёрлаш керак деган устувор тушунча ҳукмрон. Ваҳоланки, айрим статистик маълумотларда эркаклардан иборат жамоага нисбатан улар билан тенгма-тенг (50/50 фоиз) ишлаётган эркак ва аёллардан иборат меҳнат жамоалари, айниқса агар улар ақлий меҳнат билан банд бўлса, бир неча баробар юқорироқ натижа кўрсатар экан.

Албатта, рақамлар кўрсаткичлар кўзимизни қувонтиради. Аммо гендер тенглик масаласи жамиятда, ижтимоий ҳаётда, кундалик турмушда, маданий ривожланишимизда, маънавий-ахлоқий ва психологик қарашларимизда қанчалик аҳамиятга эга. [5]

Фикри ожимизча, Ўзбекистонда гендер тенглик масаласини ҳал этиш йўлларини юқорида таъкидлаганимиздек, ўзимизнинг ментал хусусиятларимиздан, диний қарашларимиздан ҳамда маънавий тушунчаларимиздан изламоқ лозим. Чунки, гендер тенглик масаласи хотин-қизларнинг нафақат давлат органларида иштироки, меҳнат бозоридаги улуши, ёки уларнинг олаётган иш ҳақларига нисбатан балки, билим олишлари, фан ва техника соҳаларини ривожланишида, ижтимоий ҳаётдаги ўрни билан ҳам изоҳланади. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, гендер тенглик масаласи



хотин-қизларнинг фаоллиги, уддабуронлиги, тадбиркорлиги, ақл ва заковати ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим негизи ҳисобланади. Бироқ, шу билан бирга Ўзбекистонда гендер тенглик масаласини умумжаҳон ягона қолипи бўйича татбиқ этиш, миллий менталитетимиз, қадриятларимиз, муқаддас динимиз ҳамда кўп асрлик анъаналаримизга путур етказган бўлур эди. Мисол учун, бизда оила қуришда қизларга қўйилган талаб керагидан ортиқча, аммо ҳурматли “куёв тўралар” учун эса бундай синовларнинг қўйилиши амри маҳол. Шунингдек, оилавий келишмовчиликларда ёрдамга муҳтож келин эмас, балки ўз уйининг “ҳоқони” куёв тўра ҳимоя қилинади. Айрим ҳолатларда эса маънавий қашшоқлик ва эрнинг одатдаги “гегемонлиги” туфайли арзимаган можаро сабаб оила барбод бўлади. Ёки аёлларнинг “тенг ҳуқуқлилика бўлган интилишлари”, “ўз ҳуқуқларини талаб қилишлари”, оддийгина маслаҳат ва мунозара, муҳтарама аёлларимизни ўз бахтидан мосуво бўлишига олиб келади. Статистика маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистонда ажрашганлардан 2364 нафар аёллар алимент тўлаши қайд этилган. Бу кўрсаткич қарийиб 10 % дан ортиқ ажралишлар сонини ташкил этади. Шунингдек, 2020 йилнинг январь ойидан сентябрь ойигача Ўзбекистонда яшовчи 1200 дан ортиқ қизларимизни чет элга турмушга чиқиб кетиши, аёллар томонидан ўз турмуш ўртоғини ўлдиришгача бўлган жиноятлар содир этилган. Ушбу, бир қарашда оддийгина бўлиб кўринаётган бу тартибдаги ижтимоий муаммоларни тизимли тартибда, амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ, шунингдек, малакали билим олиш, юксак маънавий ахлоқ, диний ва дунёвий тафаккурлари билан ҳал этиш лозим. Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда бу соҳадаги олиб бораётган ислоҳотлари ҳам юксак маънавият, маърифат, интеллектуал салоҳият каби омиллар билан боғлиқ.

Хотин-қизларнинг гендер тенглиги нафақат хонадонларда балки, жамоат жойларида, таълим муассаларида бирдек амал қилиши лозим. Ўзаро тенглик ўзаро менсимасликни келтириб чиқармаслиги керак. Таассуфки, жамиятимизда аёлларнинг фаоллигини ошириш, уларни раҳбар лавозимларига тайинлаш ортида айрим ҳолларда “сўконғич” раҳбарларни кўпайтириш эмас, балки аёллар интеллектидан унумли фойдаланишга қаратилиши айни муддаодир. Баъзи ҳолатларда эркаклар ўзларини кучли жинс вакили сифатида хотин-қизларга айниқса, ўз турмуш ўртоқларига нисбатан зўравонлик, менсимаслик, уларга паст назар билан қараш каби ҳолатлар маънавий қашшоқлик, билимсизлик (ҳам дунёвий, ҳам диний), тарбиясизликдан бошқа нарса эмас. Назаримизда, ўтмишда аждодларимиз турмушдаги ижтимоий муаммоларни жоҳиллик, зарда, ўч олиш билан эмас, ўзаро ҳурмат, диёнат, одоб ва ақл билан ҳал этганлиги бугунги кунда гўё етишмаётгандек.

Албатта, битта мақола орқали гендер тенглик муаммоларини ҳал этишнинг ўзи муаммо. Бироқ, ҳар қандай муаммонинг ечими қуйидан бошланса, бизнинг назаримиздан четдан қолаётган омиллар эътиборга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг учун эркак ва аёллар ўртасидаги тенглик ўзимизга хос ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиши керак. Биз хотин-қизларимизни жамиятимиз ривожига ижтимоий-сиёсий фаолликларини уларнинг руҳий тушунчалари, миллий хусусиятлари, диний қадриятлари, ҳамда шарқона одоб ва ахлоқлари билан бирга қўшиб олиб бормоғимизни талаб этади. Гендер тенглик деганда эркак ва аёлнинг бир



хил юриш-туриши, уларнинг мутлоқ маънода тенглиги эмас, балки ижтимоий-маданий турмушларида ҳаётий имкониятлари бир хил эканлигини англатади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини таъминлашда, уларга давлатимиз томонидан кенг имкониятларни берилиши, хусусан уларнинг таълим олиш, муайян билим ва тажрибаларга эга бўлиши, олий таълим муассаларида қўшимча квоталар билан таъминланиши, контракт тўловлари учун имтиёзли кредитларнинг берилиши нафақат тенг ҳуқуқлилик, балки қонуний имкониятлари устуворлигига кафолат беради [6].

Мавжуд тарихий анъаналар, минг йиллик қадимий урф-одатлар, миллий қадриятлар ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, хўжалик машғулоти, моддий ва маънавий маданиятини белгилайди. Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи ҳам ана шу тарихан таркиб топган қадриятларига боғлиқ. Агар XIX аср охири XX аср ўрталаригача ўзбек халқи аёллари асосан фақатгина фарзанд тарбияси, уй-рўзгор юмушлари билан банд бўлган бўлса, эндиликда замонамизни жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида уларнинг иштирокисиз бирон бир соҳани мукамал тасаввур қилиш қийин.

Янги Ўзбекистон ҳақли равишда янги ривожланиш босқичига ўтди. Олиб борилаётган ислохотлар инсон ва унинг қадри ҳамда манфаатлари учун хизмат қилади. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятда муҳтарама аёлларимизни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий фаолликларини қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг асосий вазифалари қаторида муҳим ўрин тутаяди.

References:

1. <https://lex.uz/docs/4494849> “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон республикасининг қонуни қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган. 03.09.2019 дан кучга кирган.
2. <https://lex.uz/docs/5466673> “2030 йилга қадар Ўзбекистон республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон республикаси олий мажлиси сенатининг 28.05.2021 йил қарори. <https://lex.uz/en/docs/6345528> “2030 йилга қадар Ўзбекистон республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг 2021-2022 йилдаги ижроси ҳамда уни амалга ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон республикаси олий мажлиси сенатининг 28.12.2022 қарори
3. <https://uza.uz/uz/posts/>
4. Ўзбекистон Республикаси Оила ва Меҳнат кодексларининг гендер экспертизаси. Ташкент -2008. Б.9-10
5. Каримова М. А., Нажимидинова Д. Ғ. Фарзанд туғилиши ва бола тарбияси билан боғлиқ урф-одатларда зардуштийлик излари //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 69-76.
6. <http://www.ombudsman.uz/uz/docs/>



7. <https://senat.uz/oz/publication/post-535>